

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ  
**Ў. Т. КОМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ  
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**  
Ўткир Топилович Комилов Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайин-  
лансин.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1997 йил 11 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

12 июль, шанба, 1997 йил  
Сотувада эркин нархда. № 146 (1663)

## ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Шу кунларда жойларда фаолларнинг 1997 йил биринчи ярми якунлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда бажарилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ:**  
Шаҳар ҳокимлигида 1997 йилнинг биринчи ярмида пойтахтда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида муайян ишлар бажарилганини қайд этишди. Инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш, саноатда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратилди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Уй-жой қурилиши кенг қўламда авж олдириб юборилди. Янги водопровод, канализация, иссиқлик ва газ тармоқлари тортилди. Инфляция даражаси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камайишига эришилди. Айни вақтда бу борада талайгина камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, тугалланмаган қурилишлар ҳажми ортишига йўл қўйилапти, айрим корхоналар шартнома топшириқларини ўз вақтида бажарилишига эришмапти.

Мажлиса республика Бош вазирининг ўринбосари — макрониксодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов сўзга чиқди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:**  
Юқори Чирчиқ тумани «Йикота» жамоа ҳўжалигининг Маданият саройида Тошкент вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда биринчи ярим йиллик якунлари ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида муайян силжиларга эришилганини таъкидладилар. Саноат ва халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш кўпайди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга жиддий эътибор қаратилди. Айни вақтда қишлоққа саноатни келтириш, махсулотни қайта ишлайдиган кичик корхоналар очиб, пуллик хизмат кўрсатишни яхшилашга талайгина камчиликлар мавжуд.

Республика Бош вазирининг ўринбосари — макрониксодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов, вилоят ҳокими Э.Рўзиев йиғилишда сўзга чиқди.

**САМАРҚАНД:**  
Бу ерда ҳам фаолларнинг ана шу масалага бағишланган йиғилишини вилоят ҳокими А.Мардиев бошқарди.

Йиғилишда вилоятда ижтимоий-иқтисодий, саноат, капитал қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ижобий натижаларга эришилганини қайд этиш билан бирга, асосий эътибор ишлаб чиқаришнинг камчиликларини тезроқ бартараф этиш зарурлигига қаратилди. Жумладан, корхона ва ташкилотлар, ҳўжаликлар ўртасида тузилган шартномалар ҳамма жойда ҳам тўлиқ бажарилапти деб бўлмади. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун кўп иш қилиниши лозим.

## ЎЗ НЁЪМАТЛАРИ



## МЕВАЛАРДАН ШОХЛАР ЛАРЗОН...



Чуст туманидаги «Сабзавор» жамоа ҳўжалигининг Валижон Таваккалов бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу йил эрта баҳорда 106 гектар ерга чигит қаданган эди. Айни кунларда уларнинг савий-ҳаракатлари туфайли гўзалар

## ЯНГИ КЕМА ПАРВОЗИ

Оқ-мовий рангга бўялган «RJ-85» ҳаво кемаси «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси вакиллари бошқарувида илк бор Фарғонага парвоз қилди. Авиакомпаниянинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган, ташқи кўриниши билан кўзни қувонтиривчи ушбу самолёт Фарғона аэропортида катта қизиқиш ва эътиром билан қабул қилинди.

Шу кунги янги самолёт фарғоналик дастлабки йўловчиларни мамлакатимиз пойтахтига олиб келди.

Р. КАМОЛОВ.

## НОМИГА МОНАНД ШАҲАР

Кейинги вақтда Гулистон шаҳри тобора чирой очмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ бу ерда ўттиздан кўпроқ йирик савдо дўконлари ва шарқона боёвор очилди. Уч юзга яқин оила янги уйлارга кўчиб ўтди. Ҳозир шаҳарда теннис корти, стадион ва бир қанча маъмурий-маиший би-нолар қурилиши жадал бормоқда.

Кунги кеча бу ерда «Гулистон» супермаркети — янги савдо маркази очилди. Уни бунёд этиш учун эллик миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу ерда хари-дорлар учун барча қулайлик яратилган.

Янги савдо маркази очилиш маросимида вилоят ҳокими У. Исмонлов сўзга чиқди.

Тадбирда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

этиш кўзда тутилган бўлиб, у ерда бир неча завод қурилади. Уларда экспортга мўлжалланган махсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, бу макон 20 -- 25 минг кишини иш билан таъминлаш имконини яратди.

Япониялик мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат, электроника, электр деталлар, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда энгил саноати катта истиқболга эга.

— Албатта, саноат маконини барпо этиш учун қулай шарт-шароит ва мустаҳкам барқарорлик зарур, — деди Т. Курита. — Бу борада Ўзбекистонда юзга келтирилган ана шундай муҳит диққатга сазовордир. Республикада меҳнат ресурслари ва табиий захираларнинг кўпайиши, электр қувватининг арзонлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистон саноат маконини барпо этиш учун энг қулай мамлакатлардан бири экани яққол намоён бўлади.

(ЎЗА).

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯЛАРИ

Халқ депутатлари Қашқадар вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда 1997 йилнинг биринчи ярми якунлари ва вилоятда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Сессияда халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлаётгани қайд этилди. Саноат ва қишлоқ ҳўжалик махсулотлари тайёрлаш анча кўпайди. Деҳқонлар бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп галла еттиштирди. Чорва моллари сон ортди. Пул эмиссиясининг камайишига эришилмоқда.

(ЎЗА).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

## ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ -- УМУМХАЛҚ МУЛҚИ

Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни қўмита аъзоси Шавқилдин Жўраев олиб борди.

Йиғилишда нотиқлар Президент Исрол Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик ва таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қадимлари» деб номланган китобида Марказий Осиё экологик хавфсизлигининг минтақавий муаммолари ҳусусида батафсил маълумот бериш билан биргаликда, унинг ечимига доир ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирганини алоҳида таъкидлашди. Президент ушбу асарда, жумладан, шундай дейди: «Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман, бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқори эҳанглигини ҳисобга олган ҳолда, ҳукумат ва давлат атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий захира-лардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди».

Мамлакатимиз Олий қонун чиқарувчи ҳокимияти, дарҳақиқат, атроф-муҳит ва унинг муҳофазасига доир қатор қонунларни қабул қилди. Хўш, уларга, айни пайтда, жойларда қандай риоя этилмоқда?

Йиғилишда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий ва Тошкент вилоятларидаги ижроси ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Текшириш маълумотнома-

ларида қайд қилинганидек, ҳар иккала вилоятда фойдаланиш мумкин. Лекин Навоий қурилиш бошқармаси эса ундан сувов учун фойдаланапти, холос. Бу «олтин»ни тупроққа қоритиш билан тенг эмасми?

Шунингдек, мазкур бошқармада керамзит ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган Кармана бетонит пай конининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тартиби ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

(Давоми 2-бетда).

## ДЕМОГРАФИК ИСЛОХОТЛАР -- ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Тошкентдаги «Меридиан» меконхонасида жаҳон аҳолишунослик кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

(ЎЗА).

## НАВБАТ -- САНОАТ МАКОНЛАРИГА

Тошкентда Ўзбекистонда саноат маконини барпо этиш лойиҳасининг семинар-тақдироти бўлиб ўтди

Мазкур тадбир Ўзбекистон хорижий сармоялар агентлиги билан Япониянинг «Сумитомо Корпорейшн» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

(ЎЗА).



ДУШАНБА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 «Ҳафтаном». 8.30 «Ўзбек-телефильм» намойиш этади: «Муслик бустони».

СЕШАНБА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

ЧОРШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».



22.00 Ёшларлар. 22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса».

ПАЙШАНА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

ШАБНА, 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

дан сўнг». Телесериал. 9.30 «Бир жуфт кўшик». 9.40 «Билиб қўйган яхши».

байрами. 22.15 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Кичиктойимиз-гизинг-тойимиз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўнгиликлар. 18.10 «Яшил орол сари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўнгиликлар. 18.10 «Суварак».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўнгиликлар. 18.10 «Бу ёруғ олам».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўнгиликлар. 18.10 «Кунюклар даврасида».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мультикарусель».

17.15 Янгиликлар. 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи».

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15 Ўнгиликлар.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15 Ўнгиликлар.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15 Ўнгиликлар.

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Кунюклар даврасида».

18.45 «Мультикарусель». 19.00 Ўнгиликлар.

18.45 «Мультикарусель». 19.00 Ўнгиликлар.

18.45 «Мультикарусель». 19.00 Ўнгиликлар.

18.45 «Мультикарусель». 19.00 Ўнгиликлар.

17.15 Янгиликлар. 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.30 Россия жамоат телевидениеси.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

ЎЗСООВЕТТАЪМИНОТ

Advertisement for 'ЎЗСООВЕТТАЪМИНОТ' (Uzsoovettagaminot) medicine, listing various ailments it treats like antibiotics, antiparasitics, and vitamins.

ПАКЕТЧАЛАРДА ОМАД!

Advertisement for INVITE+ and ЭЛИС (Elis) products, promoting their benefits for health and vitality.

КАМОЛА ПАРВОЗИ ФИРМАСИ

Advertisement for Kamola Parvozi Firmasi, featuring a Goodyear race car and listing contact information.

Advertisement for 'ФАРХОД - ОБИ ХАЁТ ЛТА' (Farhod - Obi Hayot LTA) company, listing services and contact details.

Advertisement for 'АПКАЛ-Г' (Apkal-G) company, listing services and contact details.

Advertisement for 'БЮТИ ПЛЮС' (Buti Plus) beauty products, featuring a woman's face.

